

ИНСОНПАРВАРЛИК ПРИНЦИПИНИ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ҚЎЛЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Исмоилов Одилбек Темирпўлатович

Денов тумани 2-сон техникуми Умумтаълим фанлар кафедраси

Сурхондарё вилояти, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21884599>

Жиноят ҳуқуқида инсонпарварлик принципи давлатнинг жиноят содир этган шахсга нисбатан муносабатини белгилайдиган фундаментал ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланади. Бироқ мазкур принципни фақат жазони енгиллаштириш, айбдорга нисбатан раҳм-шафқат кўрсатиш ёки жиноий репрессияни камайтириш билан тенглаштириш унинг ҳақиқий ҳуқуқий мазмунини торайтиради. Инсонпарварликнинг асосий вазифаси жазони инкор қилиш эмас, балки давлатнинг жазолаш ваколатини инсон қадр-қиммати, мутаносиблик, зарурлик ва қонуний мақсадга эришиш учун етарлилик мезонлари асосида чегаралашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги мустаҳкамланган [1, 20-м.]. Конституциянинг 26-моддаси эса инсон шаъни ва қадр-қимматининг дахлсизлигини, қийноқ, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ва жазонинг тақиқланишини белгилайди [1, 26-м.]. Шу маънода инсон қадр-қиммати давлатнинг жиноят-ҳуқуқий таъсири учун ташқи гуманитар талаб эмас, балки конституциявий-ҳуқуқий чегара ҳисобланади.

Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида белгиланган инсонпарварлик принципи билан узвий боғлиқ. Мазкур моддага кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга унинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлган чора қўлланилиши, оғирроқ жазо эса енгилроқ чора билан белгиланган мақсадга эришиб бўлмагандагина тайинланиши лозим [2, 7-м.]. Демак, амалдаги қонунчиликнинг ўзи инсонпарварликни оддий «юмшоқлик» эмас, балки давлат мажбурловининг зарур ва етарли ҳажмини аниқлаш механизми сифатида белгиламоқда.

А.И. Тошпулатов инсонпарварлик принципини жиноят содир этган шахсга нисбатан ачиниш ёки раҳм-шафқат сифатида тушуниш етарли эмаслигини асослаб, унинг мазмуни шахс, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш билан ҳам боғлиқ эканини таъкидлайди [3, Б. 109–120; 4, Б. 113–121]. Муаллифнинг мазкур позицияси принципни фақат айбдор манфаати билан чеклаш мумкин эмаслигини кўрсатиши билан аҳамиятли. Бизнингча, ушбу ёндашувни ривожлантириб, инсонпарварликнинг мазмунида икки функционал йўналишни ажратиш мумкин. Биринчи - муҳофаза қилувчи

йўналиш бўлиб, у инсон, жабрланувчи ва жамиятни жиноий тажовуздан ҳимоя қилишни англатади. Иккинчи - чекловчи йўналиш бўлиб, у мазкур муҳофаза мақсадига эришишда давлат мажбурловининг инсон кадр-қиммати, мутаносиблик, зарурлик ва етарлилик билан чегараланишини талаб қилади.

В.В. Мальцев ҳам инсонпарварликнинг мазмунида бир томондан инсон ва жамиятни жиноятдан муҳофаза қилиш, иккинчи томондан эса жиноят содир этган шахсга нисбатан инсон кадр-қимматини сақлаган ҳолда муносабатда бўлишни ажратади [5, Б. 51-53]. Мазкур қараш инсонпарварликнинг икки томонлама табиатини асослайди. Бироқ, фикримизча, ушбу ёндашувни замонавий конституциявий мутаносиблик талаби билан боғлаш принципнинг амалий мазмунини янада аниқлаш имконини беради.

Э.Ю. Латыпова ва Е.В. Нечаева инсонпарварликни жиноят ҳуқуқининг алоҳида нормалари билан чекланмаган, давлат ва шахс муносабатларига таъсир кўрсатувчи кенг принцип сифатида таҳлил қиладилар [6, Б. 355-360]. А.Г. Максимов эса инсонпарварликнинг аксиологик табиатига, яъни унинг жиноят ҳуқуқида инсонни мустақил қадрият сифатида эътироф этиш билан боғлиқ жиҳатига урғу беради [7, Б. 22-27]. Ушбу ёндашувларнинг назарий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, инсонпарварлик фақат қадрият ёки умумий ғоя даражасида қолиб кетмаслиги керак, деб ҳисоблаймиз. Принципнинг амалий аҳамияти уни ҳуқуқни қўллашда текшириш мумкин бўлган аниқ мезонларга айлантириш билан белгиланади.

Инсон кадр-қиммати ва мутаносиблик ўртасидаги муносабат хорижий ҳуқуқ назариясида ҳам муҳим баҳс предметиدير. Р. Алекси инсон кадр-қимматининг абсолют ва нисбий концепцияларини фарқ қилиб, нисбий концепция доирасида муайян ҳолатда кадр-қиммат бузилган-бузилмаганини аниқлаш учун мутаносиблик таҳлили зарур бўлиши мумкинлигини асослайди [8, Р. 205-219]. Ушбу позициядан жиноят ҳуқуқи учун муҳим хулоса келиб чиқади: кадр-қиммат ва мутаносиблик бир-бирига зид тушунчалар эмас. Шу билан бирга, қийноқ ёки ғайриинсоний ва кадр-қимматни камситувчи жазонинг конституциявий тақиқланиши каби ҳолатларда мутаносиблик орқали бундай чорани оқлаш мумкин эмас.

Шундан келиб чиқиб, жиноят ҳуқуқида инсонпарварлик принципини қўллашнинг уч босқичли концептуал мезонини таклиф қилиш мумкин. Биринчи мезон - инсон кадр-қиммати мезони. Тайинланаётган ёки қўлланилаётган ҳуқуқий таъсир инсонни давлат таъсирининг оддий объектига айлантирмаслиги, унинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги лозим. Иккинчи мезон - мутаносиблик, зарурлик ва етарлилик мезони. Ҳуқуқий чора жиноятнинг хусусияти ва оғирлиги, айб даражаси, етказилган зарар, шахснинг индивидуал хусусиятлари ҳамда жазонинг қонуний мақсадларига мос бўлиши шарт. Агар енгилроқ ҳуқуқий таъсир чораси билан шу мақсадга эришиш мумкин бўлса, оғирроқ чорани қўллаш инсонпарварлик талабига мувофиқ деб баҳоланмаслиги керак. Учинчи мезон - ахлоқан тузалиш ва янги жиноятнинг олдини олиш имконияти. Жазо шахсни фақат чеклашга эмас, балки унинг келгусида қонунга итоаткор хулқ-атворини шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Бу ерда инсонпарварлик ва одиллик принципларини бир-бирига тенглаштирмаслик лозим. ЖКнинг 8-моддасига кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораси жиноятнинг оғирлиги, айб даражаси ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак [2, 8-м.]. Одиллик, асосан, жиноят ва унга нисбатан давлат реакцияси ўртасидаги мувофиқликни белгиласа, инсонпарварлик ушбу реакциянинг мақсади ва чегараларига қўшимча талаб қўяди. Бошқача айтганда, одиллик «қанча жазо?» деган саволга жавоб беришга хизмат қилса, инсонпарварлик «шу даражадаги мажбурлов ҳақиқатан зарурми ва енгилроқ чора етарли эмасми?» деган саволни ҳам қўяди.

ЖКнинг 42-моддасида жазонинг мақсади маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш билан боғланган [2, 42-м.]. Шу сабаб суд инсонпарварлик принципини қўллашда жазо тури ва миқдорини санкция доирасида формал танлаш билан чекланмаслиги лозим. Жазонинг мақсадга эришиш учун нима сабабдан зарур ва етарли экани суд қарорининг мотивировкасидан англашилиши муҳим.

Шу нуқтаи назардан суд ҳукмининг инсонпарварлик принципига мувофиқлигини баҳолаш учун учта асосий саволни таклиф этиш мумкин: биринчидан, нима учун айнан танланган жазо ЖК 42-моддасида назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли деб топилди; иккинчидан, нисбатан оғирроқ чора қўлланган бўлса, нима учун енгилроқ чора ушбу мақсадларга эришиш учун етарли эмас; учинчидан, айбдор шахсининг индивидуал хусусиятлари ва унинг ахлоқан тузалиш имконияти жазо тури ва миқдорини танлашга қандай таъсир қилди. Бундай ёндашув инсонпарварликни суд ҳукмида формал тилга олинган декларатив принципдан текшириш мумкин бўлган ҳуқуқий стандартга айлантиради.

Шундай қилиб, жиноят ҳуқуқида инсонпарварлик принципининг моҳияти давлат репрессиясини механик равишда юмшатишда эмас. Унинг мазмуни инсон кадр-қимматини сақлаган, жиноят ва шахсга мутаносиб, қонуний мақсад учун зарур ва етарли ҳамда ахлоқан тузалиш имкониятини сақлаб қоладиган жиноят-ҳуқуқий таъсирни таъминлашда намоён бўлади. Шу маънода инсонпарварлик жиноятчилиқка қарши самарали кураш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қарама-қарши қўйувчи эмас, балки уларнинг ҳуқуқий чегараларини белгилаб берувчи принцип ҳисобланади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 йил 30 апрелдаги умумхалқ референдумида қабул қилинган янги таҳрир.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1994 йил 22 сентябрь. Амалдаги таҳрир.
3. Тошпулатов А.И. Жиноят-ҳуқуқий принциплар: назария ва амалиёт: монография / масъул муҳаррир Қ.Р. Абдурасулова. – Тошкент: ТДЮУ, 2023. – 224 б.

4. Тошпулатов А.И. Jinoyat qonunida insonparvarlik prinsipi // Yurisprudensiya. – 2023. – Jild 3. – № 2. – Б. 113–121.
5. Мальцев В.В. Принцип гуманизма в уголовном законодательстве // Российская юстиция. – 2002. – № 7. – С. 51–53.
6. Латыпова Э.Ю., Нечаева Е.В. Спорные вопросы содержания принципа гуманизма в уголовном праве // Вестник Казанского юридического института МВД России. – 2019. – Т. 10. – № 3. – С. 355–360. – DOI: 10.24420/KUI.2019.23.36.015.
7. Максимов А.Г. Аксиологическое значение принципа гуманизма в уголовном праве // Российско-азиатский правовой журнал. – 2023. – № 3. – С. 22–27. – DOI: 10.14258/ralj(2023)3.5.
8. Alexy R. Human Dignity and Proportionality // In: Alexy R. Law’s Ideal Dimension. – Oxford: Oxford University Press, 2021. – P. 205–219. – DOI: 10.1093/oso/9780198796831.003.0015.